

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТ СУДИНИНГ
ИҚТИСОДИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ
АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
Қ А Р О Р И**

Фарғона шаҳри

2023 йил 4 декабрь

Фарғона вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати вилоят суди раисининг ўринбосари А.Абдурахмановнинг раислигида, ҳайъат аъзолари судьялар М.Умматова ва М.Умаровлардан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси М.Абдусатторовнинг суд мажлиси котиблигида, даъвогар Фарғона вилоят солиқ бошқармасининг жавобгар “XXXXX” хусусий корхонасидан 261 343 023,83 сўм кўшилган қиймат солиғи ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича қўзғатилган иқтисодий иш юзасидан қабул қилинган Қўқон туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 8 сентябрдаги ҳал қилув қароридан норози бўлиб, “XXXXX” хусусий корхонаси томонидан берилган апелляция шикоятини асосида ишни тарафлардан даъвогар вакили У.А. (ишончнома асосида), жавобгар раҳбари М.М., жавобгар вакили А.О. (ишончнома асосида)ларнинг иштирокида, Фарғона вилоят суди биносида видеоконференцалоқа режимида бўлиб ўтган очик суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Фарғона вилоят солиқ бошқармаси (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) “XXXXX” хусусий корхонаси (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади)га нисбатан Қўқон туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгарнинг ҳаракатларида ҳуқуқни суистеъмол қилиш ҳоллари мавжудлиги ва қўшилган қиймат солиғи (бундан буён матнда ҚҚС деб юритилади) асоссиз ҳисобга олинганлигидан келиб чиқиб, жавобгардан 261 343 023,83 сўм ҚҚС ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция суди томонидан ишга “XXXXX” МЧЖ ва “XXXXX” МЧЖлар низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар сифатида жалб қилинган.

Қўқон туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 8 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво тўлиқ қаноатлантирилиб, жавобгардан даъвогар орқали давлат бюджетига 261 343 023,83 сўм ҚҚС ундирилиши белгиланган ва суд харажатлари жавобгарнинг зиммасига юклатилган.

Жавобгар биринчи инстанция судининг мазкур ҳал қилув қароридан норози бўлиб, ҳал қилув қарори устидан апелляция шикоятини берган.

Апелляция шикоятини жавобгар, биринчи инстанция суди мажлисидан хабари бўлмаганлиги, тегишли тартибда огоҳлантирилмаганлиги, иш унинг иштирокисиз кўриб ҳал этилганлиги, суд ҳисобга олиш ҳуқуқи товарларни



олиш бўйича қалбаки ёки кўзбўямачилик учун тузилган битим натижасида вужудга келганлиги ҳақида далиллар мавжуд эмаслигига эътибор қаратмаганлиги, яъни даъвогар томонидан ҳисобга олиш ҳуқуқи бўйича тузилган битимлар қалбаки ёки кўзбўямачилик учун тузилганлигини тасдиқловчи далиллар судга тақдим этилмаганлиги ҳақидаги вазларини баён қилган ҳамда Қўқон туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 8 сентябрдаги ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъвогарнинг даъво аризасини қаноатлантиришни рад қилишни сўраган.

Суд муҳокамасини ўтказиш вақти ва жойи ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинган ишга жалб қилинган учинчи шахслардан вакиллар суд мажлисига келмади.

Судлов ҳайъати Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) 128-моддаси ва 274-моддасининг тўртинчи қисмида белгиланган қоидаларга асосланиб, ишни учинчи шахслар вакиллари иштирокисиз кўриб чиқиш мумкин, деб ҳисоблайди.

Жавобгар вакили суд мажлисида апелляция шикоятини қувватлаб, берган тушунтиришларида апелляция шикоятида баён қилинган вазларни келтириб ўтди ва судлов ҳайъатидан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъвони қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилишни сўради.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакили жавобгарнинг апелляция шикоятида ва жавобгар вакилининг суд мажлисида келтирган вазларига нисбатан эътироз билдириб, берган тушунтиришида жавобгар томонидан сотиб олинган маҳсулотлар унинг контрагентларида мавжуд бўлмаганлигини, шартномалар кўзбўямачилик учун тузилганлигини, контрагентларнинг ҚҚС гувоҳномалари бекор қилинганлигини, контрагентлар томонидан ҚҚС тўланмаганлигини, жавобгар ҚҚСни асоссиз ва нотўғри ҳисобга олганлигини, шу сабабли ҚҚСни жавобгардан ундириш ҳақида судга даъво киритилганлигини, биринчи инстанция суди қонуний қарор қабул қилганлигини билдирди ҳамда судлов ҳайъатидан апелляция шикоятини қаноатлантирмасликни ва ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришни сўради.

Судлов ҳайъати тарафлар вакилларининг суд мажлисида берган тушунтиришларини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб, ишдаги тўпланган далилларни текшириб, уларга баҳо бериб, шикоятда келтирилган вазларни иш ҳужжатлари билан бирга муҳокама қилиб, қуйидаги асосларга кўра апелляция шикоятини қаноатлантирмасликни ва биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

ИПК 276-моддасининг биринчи қисмига кўра, суд ишни апелляция инстанциясида кўриш чоғида биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг қонунийлигини ва асослилигини текширади. Суд янги далилларни текшириши ва янги фактларни аниқлаши мумкин. Ушбу модданинг иккинчи қисмига мувофиқ, апелляция инстанциясининг суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини тўлиқ ҳажмда текшириши шарт.



Иш ҳужжатларидан аниқланишича, даъвогарнинг 2023 йил 30 январдаги 20/1-00271-кт-сонли ва 2023 йил 2 мартдаги 20/1-00594-кт-сонли буйруқларига асосан жавобгарнинг 2020-2021 йиллар ва 2022 йил январь - сентябрь ойлари давомидаги фаолиятида ҚҚС тўғри ҳисоблаб чиқарилиши ва бюджетга тўланиши юзасидан камерал солиқ текшируви ўтказилган.

Ўтказилган камерал солиқ текширувида жавобгар томонидан солиқ тўламаслик хавфи юқори бўлган, кейинчалик ҚҚС тўловчиси гувоҳномалари бекор қилинган “ANDIJON ELTEXSANOAT” МЧЖ, “XXXXX” МЧЖ ва “XXXXX” МЧЖлар ўртасида тузилган битимлар асосида молиявий операциялар амалга оширилганлиги, расмийлаштириб берилган ҳисобварақ-фактуралар жавобгарнинг солиқ ҳисоботларида акс эттирилганлиги натижасида ҚҚС асоссиз ҳисобга олинганлиги, мазкур контрагентлар томонидан реализация қилинган товарларнинг ҳақиқатда кирим қилинганлиги бўйича кирим ҳужжатлари мавжуд эмаслиги ҳолатлари ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактуралар бўйича ҚҚС ҳисоб-китобида жами 261 343 023,83 сўм ҚҚС асоссиз ҳисоб (зачёт)га олинганлиги, контрагентлар томонидан реализация қилинган товарлар бухгалтерия ҳужжатларида акс эттирилмаганлиги (кирим қилинмаганлиги), шунингдек контрагентлар томонидан тақдим этилган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқ ҳисоботида уларда битта ходим ишлаб келганлиги кўрсатилганлиги, контрагентлар эғалигида автотранспорт воситалари мавжуд эмаслиги, улар билан бошқа ташкилотлар ўртасида ҳеч қандай транспорт шартномалари тузилмаганлиги, контрагентлар балансида ҳеч қандай асосий воситалар, ишлаб чиқариш активлари, омборхона ва транспорт воситалари мавжуд бўлмаганлиги аниқланган.

Текшириш натижаларига кўра, 2023 йил 30 мартда камерал солиқ текшируви натижасида аниқланган солиққа оид ҳуқуқбузарликларни қайд этиш тўғрисида далолатнома расмийлаштирилиб, 261 343 024 сўм кўшимча ҚҚС ҳисобланган ва жавобгарга 2023 йил 30 мартда 261 343 024 сўм ҚҚС фарқ суммасига солиқ ҳисоботларига тузатиш киритиш ҳақида 20/1-29584-сонли талабнома юборилган. Лекин, жавобгар томонидан амалдаги қонунчиликда белгиланган муддатда солиқ ҳисоботларига тузатиш киритилмаган ёки ушбу фарқ суммасини инкор қилувчи ҳужжатлар тақдим этилмаган ва текширув натижаларига кўра аниқланган солиқ суммасига эътироз билдирилган.

Камерал солиқ текширувида аниқланган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги материалларни кўриб чиқиш натижалари бўйича даъвогарнинг 2023 йил 20 апрель кунги 20/1-34009-сонли қарори қабул қилиниб, қарорда жавобгар томонидан асоссиз ҳисобга олинган 261 343 023,83 сўм ҚҚС суммасини иқтисодий суд орқали ундириш бўйича даъво аризаси киритилиши кўрсатилган.

Солиқ кодекси 14-моддасининг саккизинчи қисмида ушбу моддада кўрсатилган ҳуқуқни суиистеъмол қилишнинг, битим қалбакилигининг (кўзбўямачилик учун тузилганлигининг) ҳолатларини аниқлаш, шунингдек уларнинг оқибатларини қўллаш солиқ органлари томонидан, солиқ тўловчи норози бўлган тақдирда эса, солиқ органларининг даъвоси бўйича суд томонидан амалга оширилиши белгиланган.



Шунга кўра, даъвогар мазкур ҳолатда жавобгар ва контрагентлар ўртасида тузилган шартномалар бўйича етказиб берилган маҳсулотларнинг кирим ҳужжатлари йўқлиги сабабли ушбу битимлар қалбаки ва кўзбўямачилик учун тузилган ҳамда ушбу битимларнинг оқибати солиқ органига битим асосида бюджетга келиб тушмаган солиқларни жавобгардан ундириш ҳуқуқини беради деб ҳисоблаб, жавобгарга нисбатан судга даъво аризаси киритган ҳамда даъво аризасида жавобгарнинг ҳаракатларида ҳуқуқни суиистеъмол қилиш ҳоллари мавжудлиги ва қўшилган қиймат солиғи асосиз ҳисобга олинганлигидан келиб чиқиб, жавобгардан 261 343 023,83 сўм ҚҚС ундиришни сўраган.

Солиқ кодексининг 15-моддасига кўра, солиқ муносабатларида солиқ тўловчилар контрагентларни танлаш чоғида уларнинг солиқ органларида солиқ тўловчилар сифатида ҳисобга қўйилганлигини, контрагентнинг ишбилармонлик обрўсини, ишлаб чиқариш базаси ва ходимлари мавжудлигини, молиявий ҳолатини, битим бўйича мажбуриятларни бажариш қобилиятини текшириб, лозим даражада эҳтиёткорлик қилиши шарт.

Солиқ тўловчи томонидан унинг олдидаги ўз мажбуриятларини бажармаган шахслар билан тузилган битимлар бўйича қилинган харажатлар (кўрилган зарарлар), агар ушбу солиқ тўловчи битим тузаётганда лозим даражада эҳтиёткорлик қилмаган бўлса, солиқ солиш мақсадида тан олинмайди.

Солиқ кодекси 266-моддасининг ўн бешинчи қисмига кўра, агар ҳисобга олиш ҳуқуқи товарларни (хизматларни) олиш бўйича қалбаки ёки кўзбўямачилик учун тузилган битим натижасида вужудга келганлигига оид далиллар мавжуд бўлса, солиқ органлари ҳисобга олишни бекор қилишни ёки унга тузатишни амалга оширишга ҳақли.

Солиқ органи томонидан учинчи шахслар - контрагентларнинг бухгалтерия ҳужжатларида юқорида қайд этилган товарлар акс эттирилмаганлиги (кирим қилинмаганлиги), яъни контрагентларда юқлар ҳақиқатда мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, улар ташилганлигини тасдиқловчи йўл варақалари ва товар-транспорт юк хатлари, юқларни сақлаш бўйича омборхоналари мавжуд эмаслиги аниқланган.

Мазкур иш бўйича етказиб берувчилар ҳисобланган контрагентлар томонидан товарларни қонуний келиб чиқишини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмаган, шартнома ва электрон ҳисоб-фактуралар асосида реализация қилинганлиги кўрсатилган товарлар бухгалтерия ҳужжатларида акс эттирилмаган (кирим қилинмаган).

Шунингдек, учинчи шахслар (контрагентлар)нинг эғалигида автотранспорт воситалари мавжуд бўлмаган ҳамда бошқа ташкилотлар билан ҳеч қандай транспорт шартномалари тузилмаган, балансида ҳеч қандай асосий воситалар, ишлаб чиқариш активлари, омборхона ва бошқалар мавжуд бўлмаган, ушбу контрагентлар фаолияти давомида асбоб-ускуна ёки транспорт воситаларини ижарага олиш учун пул маблағлари бошқа ташкилотларга ўтказиб ҳам берилмаган.

Судлов ҳайъати жавобгарнинг контрагентлари фаолиятида сотилган ва харид қилинган товарлар номуносивлигини ҳамда контрагентларнинг



солиқ тўламаслик хавфи юқори бўлганлигини, кейинчалик уларнинг ҚҚС тўловчиси гувоҳномалари бекор қилинганлигини, жавобгар контрагентларни танлаш чоғида лозим даражада эҳтиёткорлик қилиши шартлиги ҳақидаги қонунчилик талабига риоя этмаганлигини, жавобгар томонидан ҳисобга олинган ҚҚС суммаси контрагентлар томонидан давлат бюджетига тўлаб берилмаганлигини инобатга олиб, даъвогарнинг даъво талабини асосли деб ҳисоблайди. Шу сабабдан мазкур ҳолатда даъвогар жавобгарга нисбатан ҚҚСни ундириш талабини билдиришга ҳақлидир, даъвогарнинг бу талаби эса қаноатлантирилиши лозим.

Ушбу ҳолатда биринчи инстанция суди даъвогарнинг даъво талабини тўлиқ қаноатлантириб, жавобгардан даъвогар орқали давлат бюджетига 261 343 023,83 сўм ҚҚС ундириш ҳақида тўғри хулосага келган.

Судлов ҳайъати апелляция шикоятда баён қилинган ва жавобгар вакилларининг апелляция инстанцияси суди мажлисида келтириб ўтган биринчи инстанция суди мажлисидан жавобгар хабари бўлмаганлиги, тегишли тартибда огоҳлантирилмаганлиги, иш унинг иштирокисиз кўриб ҳал этилганлиги, суд ҳисобга олиш ҳуқуқи товарларни олиш бўйича қалбаки ёки кўзбўямачилик учун тузилган битим натижасида вужудга келганлиги ҳақида далиллар мавжуд эмаслигига эътибор қаратмаганлиги, даъвогар томонидан ҳисобга олиш ҳуқуқи бўйича тузилган битимлар қалбаки ёки кўзбўямачилик учун тузилганлигини тасдиқловчи далиллар судга тақдим этилмаганлиги ҳақидаги ҳолатлар ва билдирилган важларни муҳокама қилиб, уларни апелляция шикоятини қаноатлантириш ва биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш ёки ўзгартириш учун асосли далил деб ҳисобламайди.

Чунки, таъкидлаб ўтилганидек, контрагентларда юклар ҳақиқатда мавжудлигини, товарларнинг қонуний келиб чиқишини тасдиқловчи ҳужжатлар, улар ташилганлигини тасдиқловчи йўл варақалари ва товар-транспорт юк хатлари, юкларни сақлаш бўйича омборхоналари мавжуд бўлмаган, шартнома ва электрон ҳисоб-фактуралар асосида реализация қилинганлиги кўрсатилган товарлар уларнинг бухгалтерия ҳужжатларида акс эттирилмаган, жавобгар эса контрагентларни танлаш чоғида лозим даражада эҳтиёткорлик қилиши шартлиги ҳақидаги қонунчилик талабига риоя этмаган. Шу боисдан жавобгарнинг келтирган важлари билан келишиб бўлмайди.

Даъво аризасида, шунингдек ишдаги мавжуд ҳужжатларда жавобгарнинг манзили этиб Учкўприк тумани, Гул қишлоғи кўрсатилган.

Биринчи инстанция суди томонидан даъво аризасини кўриб чиқишда ишда жавобгар иштирокини таъминлаш мақсадида унинг юқорида келтирилган манзилига суд мажлиси куни, вақти ва жойи тўғрисидаги суднинг 2023 йил 14 август кунги ва 2023 йил 31 август кунги ажримлари “Гибрит почта” хизмати орқали юборилган бўлиб, почта хизматининг электрон хабарномасида суд ҳужжати адресатга топширилган сана 2023 йил 14 август кунги ажрим бўйича “23.08.2023”, 2023 йил 31 август кунги ажрим бўйича “04.09.2023” деб, суд ҳужжатини топширилганлик ҳолати эса “Етказилди” деб кўрсатилган.



ИПК 128-моддасининг биринчи қисмида агар суд иқтисодий суд ишларини юритиш иштирокчиси ўзига юборилган ажримнинг кўчирма нусхасини олганлиги ёки ушбу Кодексада назарда тутилган бошқа усулда хабардор қилинганлиги тўғрисида суд мажлиси бошлангунига қадар маълумотларга эга бўлса, ушбу иштирокчи тегишли тарзда хабардор қилинган деб ҳисобланиши белгиланган.

ИПК 129-моддасининг биринчи қисмида эса, ишда иштирок этувчи шахслар иш юритиш вақтида ўз манзили ўзгарганлиги ҳақида судга хабар бериши шартлиги, бундай хабар мавжуд бўлмаган тақдирда, ажримнинг кўчирма нусхаси судга маълум бўлган охириги манзилга юборилиб, гарчи олувчи шу манзилда бўлмаса ҳам ёки яшамаса ҳам у етказиб берилган деб ҳисобланиши назарда тутилган.

ИПК 170-моддасининг учинчи қисмига кўра, иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар, учинчи шахслар суд мажлисига келмаса, низо уларнинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкин.

Мазкур ҳолатда биринчи инстанция суди томонидан иш жавобгарнинг иштирокисиз кўриб чиқилиб, процессуал ҳуқуқ нормалари бузилмаган. Шу боис жавобгарнинг биринчи инстанция суди ишни унинг иштирокисиз кўриб ҳал қилганлиги ҳақидаги вазияти билан ҳам келишиб бўлмайди.

Жавобгар апелляция шикоятда ва шикоят асосида ишни қайта кўриш бўйича ўтказилган апелляция инстанцияси суди мажлиси муҳокамасида суд қарорига нисбатан билдирган эътирозларига асос қилиб келтирган ҳолатларни асосли далиллар билан исботлаб бера олмади.

Ваҳоланки, ИПК 68-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаблари ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак.

Юқоридагиларга кўра, биринчи инстанция суди моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини тўғри қўллаб, иш ҳолатларига мувофиқ қонуний ва асослантирилган ҳал қилув қарори қабул қилган. Шу сабабли биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асослар мавжуд эмас.

ИПК 278-моддасининг 1-бандига кўра, апелляция инстанцияси суди апелляция шикоятини (протестини) кўриш натижалари бўйича ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришга ҳақли.

Апелляция шикоятини кўриб чиқиш мобайнида аниқланган ҳолатлар ҳамда кўрсатиб ўтилган ҳуқуқ нормаларига асосланиб, судлов ҳайъати жавобгарнинг апелляция шикоятини қаноатлантирмаслик, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги тўхтамга келди.

ИПК 118-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади. Ушбу ҳуқуқ нормасига асосланиб, судлов ҳайъати ишни апелляция инстанциясида қайта кўриш билан боғлиқ суд харажатларини жавобгарнинг зиммасига юклайди.

Жавобгар томонидан апелляция шикояти беришда белгиланган миқдордан 773,76 сўм ортиқча давлат божи тўланган.

ИПК 115-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, давлат божи қонунчиликда белгиланган ҳолларда қайтарилиши лозим.



“Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 18-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига кўра, давлат божи қонун ҳужжатларида талаб қилинганидан ортиқча миқдорда тўланганида тўлиқ ёки қисман қайтарилиши керак.

Баён этилганларга кўра, апелляция инстанцияси суди апелляция шикоятини қаноатлантирмасликни, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришни, суд харажатларини жавобгарнинг зиммасига юклаб, апелляция шикояти беришда тўланган 2 613 430,24 сўм давлат божи ва 33 000 сўм почта харажати жавобгарнинг зиммасида қолдиришни ҳамда ундан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг депозитига 85 000 сўм видеоконференцалоқа режимида суд мажлисини ўтказиш билан боғлиқ суд харажати ундиришни, ортиқча тўланган давлат божини жавобгарга унинг ёзма аризасига биноан қайтаришни лозим топди.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 68, 115, 118, 260, 274, 276-278, 280-моддаларини кўллаб, судлов ҳайъати

ҚАРОР ҚИЛДИ:

“XXXXX” хусусий корхонасининг апелляция шикоятини қаноатлантириш рад этилсин.

Кўқон туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 8 сентябрдаги ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилсин.

Апелляция шикояти беришда тўланган 2 613 430,24 сўм давлат божи ва 33 000 сўм почта харажати “XXXXX” хусусий корхонасининг зиммасида қолдирилсин.

“XXXXX” хусусий корхонасидан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг депозитига 85 000 сўм апелляция инстанцияси судида видеоконференцалоқа режимида суд мажлисини ўтказиш билан боғлиқ суд харажати ундирилсин. Бу ҳақда ижро варақаси берилсин.

“XXXXX” хусусий корхонаси томонидан апелляция шикояти беришда ортиқча тўланган 773,76 сўм давлат божи жамиятга унинг ёзма аризасига биноан қайтарилсин.

Мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан қонуний кучга киради.

Мазкур қарор устидан у қабул қилинган кундан эътиборан бир йил ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига кассация тартибида шикоят бериш (протест келтириши) мумкин.

Раислик қилувчи

А. Абдурахманов

Ҳайъат аъзолари

М. Умматова

М. Умаров

